



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

(Боши 1-саҳифада)

4. Куйидагилар:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) хотин-қизлар кўмиталари ижро этувчи аппаратларининг намунавий тузилмалари 3, 4 ва 5-илваларга мувофиқ;

Хотин-қизлар кўмиталари ижро этувчи аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоналланган вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) рўйхати 6-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича тегишлича вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси марказий аппарати ходимларига нисбатан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудий давлат бошқаруви органлари ходимлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 январдаги ПҚ-2722-сон қарорининг 1-бандида белгиланган ҳар ойлик устамалар қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази (кейинги ўринларда "Оила" маркази деб юритилади) ва унинг худудий бўлинмалари Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Республика "Оила" илмий-амалий маркази негизда ташкил этилсин ҳамда куйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, "Соғлом оила – соғлом жамият" концептуал гоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, бу соҳада норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишни ташкил этиш, маъруза йўналишлар бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва самарали татбиқ этиш;

замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва аънаваний оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини

мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш, шунингдек, замонавий оиланинг намунавий шаклини ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга синдириш ишларини олиб бориш;

давлат органлари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммолар оилаларни аниқлаш ва уларнинг мезонли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган турли ёт ҳавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш;

оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

7. Белгилансинки:
"Оила" маркази директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;
"Оила" маркази директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазирга, директорнинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

"Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари "Оила" марказига ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлиқларига ҳисобот беради;

"Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан "Оила" маркази директори билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

8. Белгилансинки, "Оила" маркази директори ва унинг худудий бўлинмалари раҳбарлари энг аввало:

оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятга унинг замонавий намунавий шаклини синдириш бўйича сифатли тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда таъсирчан, илмий асосланган ва амалий тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга;

оилада, айниқса, никоҳнинг илк даврларида эр-хотин ва уларнинг ота-

оналари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича қўриқлаётган чораларнинг натижадорлигига;

нотинч ва муаммолар оилаларини ўз вақтида аниқлаш, улардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва оилавий муносабатларни яхшилаш бўйича чоралар қўришга шахсан жавобгардир.

9. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Оила" маркази вакиллари уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақиқлансин.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари маъруз талабни бузганлиги учун эгзаллаб турган лавозимидан озод этишга бўлган шахсий жавобгарлиги тўғрисида қатъий оғохлантирилсин.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар "Оила" марказига унинг сўровига қўра марказга юклатилган вазифалар билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа ахборотнинг тақдим этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқларининг 2018 йил 1 апрелдан ФХДЭ органларини уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимлиқларига бўйсундириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

ФХДЭ органи фаолияти, "Оила" марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси зиммасига юклатилсин.

12. "Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузурда табибий касб-ҳунар коллежлари негизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишни ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилсин.

Белгилансинки, махсус ўқув курсларида қайта тайёрлаш ва малакани ошириш "Оила" маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Тадбиркор аёл" уюшмасынинг Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин ва куйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунарманчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашга кўмаклашиш.

14. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика "Оила" маркази ва уларнинг худудий бўлинмалари бошқаруви аппарати ходимлари тарихига кирувчи пенсионерларга, уларнинг бу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақдирда, пенсиялари тўлиқ тўланади.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Оила" марказининг оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида ўсим қизлар ва фертил ёшдаги аёллар учун "аёллар маслаҳатхоналари"ни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин ва куйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оилани режалаштириш, контрацепция усуллари, ҳомилани сунъий равишда тушириш ва жинсий йўллар орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан, аноним тарзда, маслаҳатлар бериш;

оилани режалаштириш, контрацепция усуллари, ҳомилани сунъий равишда тушириш ва жинсий йўллар орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан, аноним тарзда, маслаҳатлар бериш;

репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш, аналик ва перинатал касалликларнинг ва улим ҳолатларининг олдини олиш соҳасида аҳолининг билими ва санитария маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда "аёллар маслаҳатхоналари", шунингдек, уларнинг асосий вазифалари юзасидан "тезкор алоқа тармоғи" фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра:
Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг икки нафар талабгорларга берилади;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовла-

таълими муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.

17. Жамият ва давлат ҳаётида фаолият ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамлашига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган "Муътабар аёл" кўкрак нишонни таъсис этилсин.

18. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой мuddатда:

"Оила" маркази ва унинг худудий бўлинмалари фаолиятини, уларнинг тузилмаларини тасдиқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тартибини, ҳар бир ходимнинг ваколатлари ва жавобгарлиги аниқ белгиланишини назарда тутган ҳолда, ташкил этиш;

махсус ўқув курслари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш;

туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси фаолияти, унинг фаолияти самарандорлигини баҳолаш мезонлари, шунингдек, "Муътабар аёл" кўкрак нишонни тўғрисидаги низомини тасдиқлаш;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзанд(лар)ини бўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қулай шароитларга эга арзон уйлارни қуриш юзасидан худудий манзилли дастурларни, шунингдек, уйлارни бериш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

б) уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепцияси лойиҳасини киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Оила" маркази билан биргаликда бир ой мuddатда:
нотинч ва эҳтиёжманд оилалардаги касаллиги, шу жумладан, репродуктив саломатлиги билан боғлиқ касаллиги бор

бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш;

Республика "Она ва бола скрининги" маркази ва Республика аҳоли репродуктив маркази ҳамда уларнинг бўлинмалари фаолиятини биргаликда ўрганиш, шунингдек, уларнинг аҳолига кўрсатаётган хизматларини ривожлантиришга оид тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини тасдиқласин.

21. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" маркази, "Saodat" журнали ва "Оила ва жамият" газетаси таҳририятларини жойлаштириш учун бинолар ажратиш тўғрисида тақлиф киритсин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқлари "Оила" маркази билан биргаликда икки ой мuddатда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан "Оила" маркази худудий бўлинмаларини барча шароитларга эга бўлган хизмат хоналари, зарур мебель ва жиҳозлар, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва Интернет тармоғи билан таъминласин.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонни амалга ошириш учун 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида зарур бўлган бюджет маблағларини ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили ушбу маблағларни назарда тутсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сон Фармони 2018 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб чиқиб, шу жумладан, ФХДЭ органларининг туман (шаҳар) ҳокимлиқларига бўйсундирилиши муносабати билан адлия ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ваколат ва функцияларини чегаралашни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

26. Маъруз Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Т.Камиллов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ватанимиз тарихида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва мавқега эга. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган аёллар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида хусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермерлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маърифат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Хозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутаты борлиги, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини ҳамда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизини айнан аёллар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмини яратишга тўққонлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда мавжуд камчилик ва муаммолар атрофида таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида кўмита фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмалари тасдиқланди.

Фармон билан 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва undan ортқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.

Оилавий қадриятлар ва аъналар йўналишида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш мақсадида Республика "Оила" илмий-амалий маркази негизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда алоҳида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлинмалари ташкил этилди. Оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланиши, замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш, оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий таш-

килотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш билан бир қаторда "Соғлом оила – соғлом жамият" концептуал гояси ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга синдириш "Оила" марказининг асосий вазифалари қаторидан қай юлди.

Шу билан бирга, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Оила" марказининг маъсулиятини янада ошириш, ваколатлари доирасини аниқ белгилаб олиш мақсадида кўмита ҳамда марказ, уларнинг худудий бўлинмалари раҳбариятининг хотин-қизлар ва оила масалаларини ҳал этишдаги шахсий жавобгарлик чегаралари белгилаб қўйилди.

Фармонга биноан 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ФХДЭ органлари уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимлиқларига бўйсундирилди. Оила ва хотин-қизлар масалаларида тизимли ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ФХДЭ органи, "Оила" марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Тадбиркор аёл" уюшмасынинг оила ва хотин-қизлар масалаларига оид фаоллигини эътироф этган ҳолда, Фармонда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу жамоат фондининг асосий вази-

фаси оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларига кўмаклашиш ҳисобланади.

Фармонда кўзда тутилган яна бир муҳим масалалардан бири бу оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида "аёллар маслаҳатхоналари"ни ташкил этиш бўлиб, бу маслаҳатхоналар бевосита жойларда ўсим қизлар ва фертил ёшдаги аёлларга зарур маслаҳатларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон Фармонида мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти 14 ёшдан 22 ёшга бўлган иқтидорли қизларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан вакилларига бериладиган эди.

Эндиликда янги Фармонга мувофиқ, Зулфия номидаги Давлат мукофотини ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талабгорларга бериш белгиланди ва ёш чегарасининг узайтирилгани таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ютуқларга эришган ҳамда илмий изланишлар билан шугулланаётган олимпиадаларимиз учун кенг имкониятлар ашигини очиб беради.

Фармонда белгиланган янги тартибга мувофиқ, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга талабалари эса

Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ кенг қўлданги ислохотлар амалга оширилмоқда, инсон манфаатларининг ҳамма нарсадан устуворлигини таъминловчи қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Шундай ҳужжатлардан бири — «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни жорий йил 9 январь куни матбуотда эълон қилинди. Қонун 7 та боб, 88 та моддадан иборат бўлиб, расмий эълон қилинган кундан эътиборан ун икки ой ўтгач қўллашга кириши белгилаб қўйилди.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифаси маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат. Мазкур қонун халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, деган қонуннинг ҳаётда амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қонун маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий қоидаларини белгилашга, маъмурий иш юритиш тартибини ўрнатилган, ишни қўриб чиқиш, ҳужжатларни қабул қилиш, уни шикоят бўйича қайта қўриш, шунингдек, ижро этиш жараёнини тартибга солишга хизмат қилади.

Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш, давлат хизматлари ижросини қўриқиб олиш бўйича бошқа тартиб-таомилларга, шу билан бирга, қонун ҳужжатлари мувофиқ маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан таъқиқ этилади.

Ихтимоий муносабатлар ва соҳаларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бу Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофиа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурият чораларини қўллаш, суд ишлари юритиш, маъмурий ҳуқуқ-бузарликлар борасидаги соҳаларда юзага келадиган муносабатларга нисбатан таъқиқ этилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Мазкур ҳужжатнинг эътиборли жиҳатлари унинг 5-моддасида ифода қилинган. 13 та асосий принципларида намоён бўлади. Халқимиз томонидан ушбу асосий принциплар мазмун-моҳиятини чуқур ўзлаштириб олиш уларнинг давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатларда ўз

лигини тасдиқловчи қўшимча материаллар талаб қилиш, агар қонунда бундай талаб белгиланмаган бўлса, тақдирини мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилиниши ҳам муҳим аниқликдир. Чунки инсон манфаатларига унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, бошқаларнинг хато ва камчиликлари туфайли пугур етмаслиги лозим.

шундай ҳолатларга чек қўйиш, одамларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида маъмурий иш юритишининг «бир дарча» орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Кўп ҳолларда биз бу тушунчанинг фақат тадбиркорларга нисбатан қўлланилаётганига гувоҳ бўлар эдик. Эндиликда бу хизматдан ҳар қандай шахс фойдаланиши мумкин. Маъмурий орган бундан буён зарур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, манфаатдор шахсларнинг иштирокисиз, идоралараро

ДАВРА СУҲБАТИ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИҚДА КУРАШИЛАДИ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси билан ҳамкорликда «Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, Президентимиз Олий Мажлиста Мурожаатномасида мамлакатимизда ҳали ҳам давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизми яратилмагани, бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг уларга юқлатилган вазифаларни ижро этишларини объектив баҳолашга тўсик бўлаётганини таъкидлаб ўтган эди.

Шу муносабат билан давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмининг жорий этиш мақсадида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Давра суҳбатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш, мазкур соҳада ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш соҳасида иктымий шерикликнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари очиб берилди. Давлат органлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида битимлар ва шартномалар тузиш масалалари муҳокама этилди. Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмининг ҳамда давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича жамоат кенгашларини уларнинг тарбияги жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан биргаликда ташкил этиш масалалари қўриб чиқилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясининг иктымий шериклик доирасида «Йўл харитаси» лойиҳаси тайёрланди. «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида иш олиб бориш ва давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича жамоат кенгашларини тузиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Дилором КОМИЛЖОНОВА, «Qishloq hayoti» мухбири.

ҲУҚУҚ

Аҳолининг тинч ва оқилол ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масалалари Президентимиз томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида энг муҳим ва устувор ўрин эгаллайди.

расида зарур тавсияларни бериб келмоқда. Ана шулардан бири маҳалланинг аҳоли хотиржамлигини, тинчлигини таъминлашдаги маъсулиятини оширишдир. Ноёб тузилма – «адо-

ХАЛҚ БИЗНИНГ ТИМСОЛИМИЗДА ҲИМОЯЧИСИНИ КЎРСИН

Дарҳақиқат, бу масала бугун юртимизда барча ихтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакатимизни модернизация қилиш, ва янгилашнинг асосий шартини ва таровидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ички ишлар тизимини тубдан ислох қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини замонавий босқичга кўтаришдек гоят мураккаб вазифа доимий равишда кун тартибига қўйиб келинмоқда.

Энг муҳими, пайшанба «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунини» белгилаб, ҳафтаининг шу кунини амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қатори, аниқ ва тизимли равишда ўтказиб келинмоқда. Айни вақтда юртимизда ихтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш ниҳоятда долзарб аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини эса фақат фарзанда тўғри йўл кўрсатиш, билим бериш билан олиш мумкин.

лат тарозуси» сифатида халқнинг ишончига сазовор бўлаётган маҳалла институти вакиллари давлатимиз раҳбарининг эзгу ташаббусларини доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Билмаслими, бахт – ҳаловатда. Тараққиётнинг асосий мезони ҳам тинчликдир. Шу боис ҳам аҳолининг тинч ва оқилол ҳаёт кечиришини таъминлаш давлатимиз сиёсатида энг муҳим ва устувор ўрин эгаллайди.

Хўроқ қилиб айтганда, мазкур қонун инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини таъминлаш, мавжуд маъмурий тўсиқлар, сансалорлик ва ҳужжатбозлик кўринишларига барҳам беришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Хўроқ қилиб айтганда, мазкур қонун инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини таъминлаш, мавжуд маъмурий тўсиқлар, сансалорлик ва ҳужжатбозлик кўринишларига барҳам беришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Биз – соҳа ходимлари олдимизга қўйилаётган вазифаларни онгли равишда англаб етмоғимиз, халқ оқилолчилигини таъминлашнинг фаолиятимизнинг асосий йўналишига айлантirmoғимиз лозим. Бунда ҳуқуқий тарбияни устувор йўналиш деб билсакимиз, халқ бизнинг тимсолимизда ҳақиқий ҳимоячисини кўради.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Ихтирочи аёллар уюшмаси ташаббуси билан мамлакатимизда биринчи марта «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» танлови ўтказилмоқда.

лим муассасаси раҳбари Дилфуза Санакүлова. – Ҳуқуқ марказимизда мактабга тайёрлаш, инглиз тили, рус тили ва яна қўллаб йўналишлар бўйича 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизларга таълим-тарбия берилади. Инновацион лойиҳа иштирокчиларига виллоят ҳокимлигининг махсус сертификатига ҳамда эсдалик совғалари топширилади.

Жиззах политехника институтида (ушбу танловнинг виллоят босқичи бўлиб ўтди. Танловдан илмий излашнинг асосий йўналишларини аниқлаш, ихтирочилик ва рационализаторликни кенг йўлга қўйиш, янги техника-технология ҳамда рақобатбардор маҳсулотларни яратишга қўмаклашиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишнинг замонавий механизмининг яратишга қўмаклашиш мақсад қилинган.

Танлов иштирокчилари 10 та йўналиш ва 11 та номинация бўйича инновацион маҳсулот ва ишланмаларини намойиш этишди. Шунингдек, вақтинча ишсиз хотин-қизларга ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуднинг хотин-қизлар қўмитаси тавсияси билан танловда қатнашиш ҳуқуқи берилди. – Мен танловнинг таълим соҳасидаги энг самарали инновацион лойиҳа йўналиши бўйича қатнашдим, – дейди «NEW AEON» нодавлат таъ-

Ғолибар «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» танловининг республика босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритишди. Муқимбой ИСМОИЛОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

«ЎЗБЕКБАЛИҚСАНОАТ» УЮШМАСИ

ТАБИЙ СУВ ҲАВЗА УЧАСТКАЛАРИНИ БАЛИҚ ОВЛАШ ҲЎЖАЛИКЛАРИГА ИЖАРАГА БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан ўтказилмоқда.

Table with 6 columns: Tuman nomi, Сув ҳавзаси номи, Сув ҳавзаси майдон, Танлов ўтказиладиган даврдаги ўртача махсулдорлиги, кг/га, 2018 йилда балиқланган ҳажми, тонна, 2018 йилда балиқ овланган ҳажми, тонна.

Танловда иштирок этиш тартиби, шартлари ва керакли ҳужжатлар рўйхати: – Таъабгорнинг тўлиқ номи ва жойлашган манзили (почта манзили), телефон рақами кўрсатилган ариза, – Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа, – Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режанинг молиялаштириш манбалари (таъабгорнинг ўз маблағлари, тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақдирланган бошқа манбалар) билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар, – Балиқ овлаш ва табиати муҳофазаси қилиш тадбирларини амалга ошириш учун моддий-техника воситаларининг (русуми кўрсатилган қайиқлар, моторлар, овлаш қуроллари, автотранспорт воситалари, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳозказо) мавжудлиги ҳақида маълумотлар, – Балиқ (турлари ва миқдори бўйича) чавоқлар билан тегишли сув ҳавза участкасини ҳар йили балиқлантириш- ни амалга ошириш бўйича таклифи. Аризалар 2018 йил 19 февраль куни соат 18:00 га қадар қабул қилинади. Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш Ҳўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов натижалари 2018 йил 20 февраль куни эълон қилинади. Таъабгорларнинг танлов таклифлари жойлашган конвертлари очилган 2018 йил 20 февраль куни соат 10:00да Комиссия мажлисида амалга оширилади. Таъабгорлар ёки уларнинг вакиллари танлов таклифлари конвертларини очилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ижара шартномаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва танлов ғолиби билан камидан 10 йил муддатга тузилади. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қўйидаги манзилга ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин: Тошкент виллояти Урта Чирчиқ тумани Нурафшон шаҳри Тошкент йўли кўчаси 90-уй. Телефон: (+99890) 315-35-27, (371) 290-00-82. Электрон почта манзили: toshkentbaliqsanoat@mail.ru. Танлов юқоридagi манзилда ўтказилади. Танловда Ўзбекистон Республикаси резидент ва нореидентлари юридик шахс сифатида иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этиш ҳақидаги аризани қўриб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир бабобари миқдордаги тўлов ундирилади. Асосий хисобрақам: «Ипотечка-Банк» АТББ Тошкент виллояти филиали. МҒО: 00408. х/р: 20208000900764793001. Тошкент виллоятидаги табиий қўллар ҳамда сув омборларида танловни ўтказиш тартиби тўғрисида, шу жумладан, танловда иштирок этиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг ҳудудий филиалдан олиши мумкин. Илова: Танлов ўтказиш комиссиясининг иш юритиш регламенти. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси Мурожаат учун телефон: (+99899) 897-77-02, (0-371) 260-50-69. Сайт: uzbekbaliqsanoat.uz

БОКС

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЕТТИТА МЕДАЛЬ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Хиндистонда жорий йилнинг 28 январь 1 февраль кунлари бокс бўлиб ўтган "Indian Open" турнирида ҳамюртларимиз бешта олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлди.



Кундузги дастурдан ўрин олган финал жанглирида дастлаб 69 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги ёш боксчи Бобоусмон Ботуров хиндистонлик Динешини мағлубиятга учратиб, терма жамоамизга ilk олтин медални тақдим этди. Жамоадошининг галабасидан руҳланган Исроил Мадримов ҳам вазни 75 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида кубалик Эстрада Иглесиасдан устун келди ва термаизми ҳисобига иккинчи олтин медални расмийлаштириб қўйди. Вазни 91 килограммгача бўлган боксчилар жангида эса ҳамюртими Санжар Турсунонинг фаол ҳаракат-

ларини баҳолашга ҳакамларнинг ҳолис савияси етмади, десак муболага бўлмайди. Чунки бутун жанг давомида фаоллик кўрсатган ҳамюртими кумуш медалга лойиқ кўрилди. Олтин эса мезбон боксчи Санжигга совға қилиб юборилди. Бундай ҳолат Санжар билан биринчи марта юз бермаётганлиги киши дилини хира қилмасдан қолмайди (ўтган йили Тошкентда ўтган Осиё чемпионатида ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз берганди). Суперогир вазн(+91кг)ли боксчими Баҳодир Жалолов Санжарнинг аламини мезбон боксчи Кумар Сатишдан олди. Ҳакамлар бу сафар жанг давомида Кумар Сатишни жуда қийин аҳволга солиб қўйган Баҳодирнинг галабасини тасдиқлашдан бошқа илож топа олмади. Кундузги жанглардан сўнг термаизми аъзолари томонидан учта олтин ва битта кумуш медал қўлга киритилди.



Ўза суратлари.

Кечки дастурдан ўрин олган жангларда Худойназар Файзов 52 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида Хиндистон терма жамоаси аъзоси Анвар Салмонни мағлуб этиб, ҳамюртларими учун куннинг иккинчи қисмини ҳам олтин медалга жамғариш билан бошлаб берди. 56 килограммгача бўлган вазнда мўғулистонлик Амар Харкуга қарши

рингга кўтарилган боксчими Абдулхай Шорахматов ҳам рақибидан кучлироқ эканлигини исботлай олди ва термаизми ҳисобидаги олтин медаллар сонини бештага етказди. Иккитдорли, ёш боксчими Иқболжон Холдоровга эса финалда бироз омад етишмади. 64 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги боксчилар баҳсида Ватанимиз шарафини

ҳимоя қилган Иқболжон кубалик Моиран Винентга имкониятни бой бериб қўйди ва якунда кумуш медал билан қийоғланди. "Indian open"да муваффақиятли иштирок этган бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кеча Ватанимизга қайтиб келди. Улар тантанали равишда кутиб олинди.

Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ

Навоий вилояти

Навоий эркин иқтисодий зонаси ҳудудида яқинда иш бошлаган "Green Line Profil" кўшма корхонаси негизидagi "Benkam" корхонаси томонидан янги инвестицион лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда.

МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТГА

Бир йилда 35 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонада 3 та пресслаш линияси орқали турли ўлчамлардаги алюмин профилилари тайёрланмоқда. Тайёр профилилари бўйша ишлари ҳам шу ернинг ўзида амалга оширилади. Корхона лабораториясида эса маҳсулот тўлиқ сифат назоратидан ўтказилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан экспортга мўлжалланган. Корхона технологиялари жуда тежамкор. Натижада энергия сарфи ва маҳсулотнинг ортиқча алюмин бўлақчаларини чиқариб ташлаш борасида ҳам исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Корхонамизда жорий йил якунига қадар алюмин профилиларини қолиплаш ишларини ташкил этишни режалаштирганмиш, — дейди корхона бош технологи Шохризод Ҳосилов. — Ҳозир эритиш ҳеҳида курильш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Бу тармоқ жорий йилнинг иккинчи чорағида ишга туширилиши белгиланган. Ушбу цех ишга тушгач, ортиқча алюмин бўлақчалари шу ернинг ўзида эритилади ва ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Таъкидлаш жризки, 2019 йилга қадар "Навоий" эркин иқтисодий зонасида 39 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида 2 минг 500 та янги иш ўрни яратилади.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЮДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод ҳаёти ва ижодида бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Мухаммад Али, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Гафуров, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир Мирзо Кенжабек, таржимон Евгений Абдуллаев ва бошқалар Тоғай Мурод ўз асарларида миллий қаҳрамонлар, миллий дунёқараш, маънавият ва қадриятларга доир долзарб мавзу-муаммоларни кўтариб чиққани ҳақида сўз юритди.

Дарҳақиқат, адиб асарларидаги тасвирлар халқ озаки ижодининг энг яхши анъаналарига уланиб кетади, уларни янгича усулда ривожлан-

тиради. — Тоғай Мурод кўз ўнгимизда оригинал йўли ва услубига эга ижодкор бўлиб шаклланди, — дейди Иброҳим Гафуров — У халқимизнинг қадимий урф-одатлари, расм-русумлари поэзиясини чизишга уринди, илтифот, назокат, ўзаро ҳурмат ва шу асосда муҳаббатли бўлишга ундайдиган илғор томонларини очди. Таъкидланганидек, халқимизнинг атоқли адиби Тоғай Мурод ўзига хос ижодий услуби, ўлмас асарлари билан миллий адабиётимиз ҳазинасига улкан ҳисса қўшган. Унинг "Юдузлар мангу ёнади", "От кишнаган оқшом",

"Ойдинда юрган одамлар", "Момо ер қўшиғи" каби қиссалари миллийлиги ва бадий нафосати билан ўз ўқувчиларини толди. "Отамдан қолган далалар" романи учун 1994 йил ёзувчига Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофоти берилди. Тоғай Мурод нафақат истеъдодли ёзувчи, балки, моҳир таржимон ҳам эди. У Жек Лондоннинг "Бойнинг қизи" драмаси, Эрнест Сетон-Томпсоннинг "Еввойи йўрга" асарини ўзбек тилига ўйрган. Сўнгги йилларда адибнинг асарларини устида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, чет тилларига таржима

қилинаётир. "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" романи 2016 йили француз тилида чоп этилган бўлса, "От кишнаган оқшом" ва "Ойдинда юрган одамлар" қиссалари жорий йилда Москвада рус тилида "Тарлан" номи билан чоп этилди.

Хотира кечасида Туркиянинг Отатурк университети профессори Хусайн Байдемир, Франциянинг Ле-Ман университети профессори Мишел Бушар, россиялик ёзувчи, шоир Вадим Муратов ҳам сингари олим ва ижодкорларнинг Тоғай Мурод асарлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини иборат видеоролик намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ижросида адибнинг "Ойдинда юрган одамлар" асари асосида сахналаштирилган кўриниш намойиш этилди.

А.ЎРОЗОВ, Ўза мухбири.

АНЖУМАН

ОРНИТОФАУНА — ҚУШЛАР ДУНЁСИ УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТ

Бунда сувли-ботқоқли ҳудудларнинг аҳамияти катта



Дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан, мамлакатимизда ҳам 2 февраль — Бутунжаҳон Сувли-ботқоқли ҳудудлар кунига алоҳидан кенг нишонланади. Негаки, 1971 йил 2 февраль кунини Эроннинг Рамсар шаҳрида халқаро ҳам-жамаият томонидан сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган сув-ботқоқли ҳудудларни муҳофазга қилиш мақсадида халқаро аҳамиятга эга ҳудудлар тўғрисида халқаро конвенция қабул қилинган. Мазкур конвенцияга 170 га яқин давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо бўлган. Айни вақтда Рамсар рўйхатида 2 минг 260 та сувли-ботқоқли ҳудуд кiritилган. Мамлакатимиз мазкур конвенцияга қўшилганидан сўнг Денгизқўл ва Айдар-Арнасой кўллари тизими халқаро аҳамиятга эга бўлган сувли-ботқоқ ерларнинг рўйхатига киритилди.

Ортимизда қарийб бир миллион гектарни ташкил этадиган 500 дан ортиқ кўл

мавжуд. Мазкур ҳудудлар кўчиб юрувчи қушлар учун қулай истиқомат манзили сифатида экотизм барқарорлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда қушларнинг 400 дан зиёд тури бор. Уларнинг 40 дан зиёд тури камёб ҳисобланади. Мазкур сув ҳавзаларида муҳим яшайдиган ва кўчиб юрувчи қушларнинг 37 тури қишлайди. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларни муҳофазга қилиш, уларда яшаш муҳитининг барқарорлигини сақлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон қушлари муҳофазга қилиш жамияти ҳамкорлигида сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқли ҳудудлар тўғрисидаги халқаро кон-

венция талабларининг бажарилиши ҳолатига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, ўтган даврда мамлакатимизда халқаро конвенцияда белгиланган талабларни бажариш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тўдақўл кўлини ва Қуйимозор сув омборини Рамсар рўйхатига киритиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида ушбу табиий ҳудудларда мунтазам равишда мониторинг ва кузатув ишлари олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасидаги Судочёе, Қашқадарё вилоятидаги Аччиқўл ва шу каби бошқа кўллари ҳам Рамсар рўйхатига киритиш юзасидан самарали ишлар амалга оширилди.

Анжуманда юртимизда экотизм барқарорлигини сақлаш, хусусан, орнитофауна ривожига қаратилган ишлар самара бераётганлиги қайд этилди. Сувли-ботқоқли ҳудудлар муҳофазаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бойитиш хусусида мутахассисларнинг маърузалари тинланди. Айниқса, Орлобўйида ушбу ишларни жонлантиришга қаратилган эътибор кўпчиликини қизиқтирди.

Мутахассислар муҳофазасида сув ҳавзалари, сувли-ботқоқли ҳудудларда биохилмаҳиллигини сақлашнинг аҳамиятини жамоатчиликка тушунтириш борасида сўз борди. Бу жараёни, айниқса, болалар, ёшлар ўртасида ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Дилором КОМИЛЖОНОВА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан ўтган Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ХАЛҚ БИЛАН ЯҚДИЛЛИК ДЕМАҚДИР

Унда ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда барча соҳаларда изчил ислохотларнинг амалга оширилиши жараёнида "Инсон манфаатлари — ҳамма нарсасдан устун" деган тамойилга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу фоя эса барча даражадаги давлат бошқаруви органлари, хусусан, Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолиятида асосий мезонга айланди.

Давлатимиз раҳбари тақлифи асосида Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни чуқур ҳамда ҳолис ўрганиш тизими жорий этилгани бу борада муҳим омили бўлди. Қуйи палата депутатлари, жумладан, фракция аъзолари томонидан 2017 йилнинг февраль-июнь ойларида республикамизнинг 67 та туманидаги ҳақиқий ҳолат ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Ўрганишлар вақтида 9 мингдан ортиқ хонадонга борилиб, 59,5 минг нафарга яқин аҳоли вакиллари билан мулоқот ўтказилди. Мазкур мулоқотлар давомида турли йўналишлардаги 6 мингдан зиёд масалалар кўтарилди. Эътиборлиси, фракция аъзолари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ушбу муаммоларнинг

1 минг 400 дан ортиги жойида ҳал этилди.

— Жойлардаги учрашувларда шу нарсасга амин бўламизки, фуқаролар ўзлари ишонч билдирган вакиллари орқали кишининг доимий ҳаётдаги айрим муаммо ва камчиликларнинг мақбул ечимини топишни исташади, — дейди Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов. — Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, 226 нафар кишининг доимий ишга жойлашиши, 128 нафар фуқаронинг тиббий ва тиббий-ижтимоий хизматдан фойдаланишига доир масалалар рақам жиҳатидан унчалик кўп бўлмасда, депутатлар кўмағида ҳал қилинган йўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек, ўрганишлар асосида 741 та хонадонга сувоқтирилган газ баллонлари етказиб берилган бўлса, 273 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қарийб 1,34 миллиард сўм миқдоринда банк кредити ажратилиши таъминланди, 63 та савдо ва маъий хизмат кўрсатиш объектига эса банк терминналлари етказиб берилишига кўмаклашилди.

Маълумки, қонун ижодкорлиги соҳасида фаоллик кўрсатиш, жамият тараққийотида хизмат қиладиган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳар бир фракция зиммасидаги муҳим вазифа саналади. ХДП фракцияси томонидан бу борада ҳам қатор ишлар олиб бориляпти. Жумладан, ўтган йил мавойида Қонунчилик палатасида қабул қилинган 137 та қонун лойиҳаси бўйи-

ча фракция аъзолари 416 та тақлиф ишлаб чиқиб, масъул кўмиталарга тақдим этишди ва кўриб чиқилган қонун лойиҳалари юзасидан билдирил-

Бухоро вилояти

ҲУНАР — ЗАР

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларни хар томонлама кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида хунармандларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, бунинг учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, соҳага халқаро инвестицияларни жалб этиш белгиланган.



Тоҳир ИСТАТОВ (Ўза) олан сурат.

Шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, "Микрокредит-банк" раҳбарлари ва туман ҳокимлари зиммасига ҳудудларнинг ўзига хос хусусияти ва анъаналаридан келиб чиқиб, туманлар кесимида аниқ режа ишлаб чиқиш, яратиб берилаётган имтиёзли тўғрисида ҳар бир хунармандни бохабар этиш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бухоро шаҳридаги Нодирдеҳонбеги мажмуасида хунармандчилик соҳаси вакиллари иштирокида ушбу фармон ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда хунармандларни давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга бўш турган биноларни имтиёзли равишда бериш, асбоб-ускуна ва хом ашё материаллари билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

— Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги 292 нафар хунарманд-усталарга "Микрокредит-банк" ва унинг жойлардаги бўлиmlари томонидан 7 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши белгиланган, — дейди "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими раиси вазифасини бажарувчи Хуршид Яхёев. — Ушбу маблаг 2018 йилнинг биринчи чорағи сўнгигача 10 миллиардга етказилиши ҳам белгиланган. Бунда хунармандчилик буюмларининг сифатини янада ошириш, хориждаги рақобатбардос маҳсулотлар қаторидан жой

олишига ва бошқа масалаларда кўмаклашиш кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида хунармандчилик фаолиятини йўлга қўйишга махсус имтиёзли маблаглар йўналтирилмаган эди. Эндиликда бу имкониятдан фойдаланишда хунармандларга кенг йўл очилди. Кредит олишда эса муҳим бўлган қозғ ва ҳужжатларни расмийлаштириш банк ходимларининг Бевосита амалий кўмағи орқали амалга оширилади.

Мулоқотда хунармандчиликни ривожлантириш учун "Устоз-шогирд" анъанаси асосида соҳага ёшларни кенг жалб этиш, уларни шогирдликка олиш ва хунарга ўрганишга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш, дастлабки фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

— Тикувчилик соҳасидаги фаолиятимга 7 йил бўлди, — дейди "Mohina fashion trading" корхонаси раҳбари Моҳина Жўраева. — Ҳозирги вақтда жамоамизда 10 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Юртимизда хунармандларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, жорий йил бошида имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим. Семинар доирасида хунармандчилик маҳсулотларининг намойиши ҳам ташкил этилди.

Ҳамроэ АЛИ, "Qishloq hayoti" мухбири.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграроаноат комплекси тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Мухаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодийр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 236-26-47, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04, web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Table with 2 columns: Location and Phone Number. Locations include: Худудлардаги мухбирлар, Вилоятлар, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Хорвм, Қашқадарё. Phone numbers are listed next to each location.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Бюроорта Г-213, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2. Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди. 21246 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ — 144. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 23.10.

ISSN 2010-7021. Barcode. Навбатчи муҳаррир: А.ҚАРИШЕВ. Муассхис: Д.КОМИЛЖОНОВА.